

# СОВЕТ КИШИСИ ЖАҲОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ КОСМИК ФАЗОГА ПАРВОЗ ҚИЛДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

## ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 74 (1852)

13

АПРЕЛЬ

ПАЙШАНБА

1961 ЙИЛ

БАҲОСИ  
2 ТИЯНИ

Қадрдонимиз ўртоқ Юрий Алексеевич  
ГАГАРИН, Сизни буюк жасорат билан—  
космосга биринчи бўлиб парвоз қилишингиз  
билан самимий табриклаймиз ва қутлаймиз



ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ КОСМОСГА УЧГАН СОВЕТ КОСМОНАВТИ  
майор ЮРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ ГАГАРИНГА

Қадрли Юрий Алексеевич!

Буюк қахрамонлик сафарингиз — «Восток»  
йўлдош кемасида космосга биринчи марта уч-  
ганлигингиз билан Сизни қизғин табриклаш-  
дан гоёт хурсандман.

Бутун совет халқи Сизнинг шонли зафарин-  
гиздан қўйилди, ана шу шонли зафарни ин-  
сониятга хизмат қилиш йўлида мардлик, жа-  
сурлик ва қахрамонлик намунаси деб асрлар  
бўйи эсга олиб туради.

Сизнинг учинишгиз космосни забт этиш

соҳасида инсоният тарихида янги саҳифа оча-  
ди ва совет кишиларининг қалбини ўз социа-  
листик Ватани учун буюк қувонч ва ифтихор  
туйғулари билан тўлдирди.  
Космик саёҳатидан жонажон элга эсон-омон  
қайтиб келганлигингиз билан Сизни чин қал-  
бимдан табриқлайман. Сизни кучаман.  
Тез орада Москвада учрашамиз.

Н. ХРУШЧЕВ.

1961 йил 12 апрель.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқларига!  
Барча мамлакатларнинг халқлари ва ҳукуматларига!  
Бутун прогрессив инсониятга!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети  
Президиуми ва Совет Иттифоқи ҳукуматининг

## МУРОЖААТИ

Буюк воқеа содир бўлди. Одам тарихда биринчи марта  
космосга парвоз қилди.

1961 йил 12 апрелда Москва вақти билан соат 9 дан 7  
минут ўтганда йўлдош космик кема «Восток» бортидаги одам  
билан космосга кўтарилди ва Ер шари теварагини айланиб  
учиб, Ватанимизнинг — Советлар мамлакатининг муқаллас  
тупроғига омон-эсон қайтиб келди.

Космосга учган биринчи одам — совет кишиси, Совет  
Социалистик Республикалари Иттифоқининг гражданидир!

Бу — инсоннинг табиат кучлари устидан мисли кўрилма-  
ган ғалабаси, фан ва техниканинг жуда буюк ғалабаси, ин-  
сон ақл-идрокининг тантанасидир. Одамнинг космик фазога  
парвоз қилиб туриши учун асос қўйилди.

Асрлар бўйи эсда қоладиган бу зафар совет халқининг  
генийини, социализмнинг қудратли қучини ифода этди.

Коммунистик партия Марказий Комитети, СССР Олий  
Совети Президиуми ва Совет ҳукумати зўр шодлик ва қо-  
нуний фахрланиш билан шуни қайд қиладиларки, инсоният-  
нинг прогрессив тараққиётида ана шу янги даврни бизнинг  
мамлакатимиз — ғалаба қилган социализм мамлакати очиб  
берди.

Утмишда қолоқ бўлган чор Россияси прогресс учун ку-  
рашда бундай зафарларга эришишни, техника-иқтисодий  
жиҳатдан кўпроқ тараққий этган мамлакатлар билан мусо-  
бақа қилишни ҳаёлига ҳам келтира олмас эди.

Ленин бошчилигидаги коммунистлар партияси илҳомлан-  
тираётган ишчилар синфининг иродаси билан, халқ иродаси  
билан бизнинг мамлакатимиз энг қудратли социалистик дав-  
латга айланди, фан ва техникани ривожлантиришда мисли  
кўрилмаган чўққиларга эришди.

Ишчилар синфи 1917 йил октябрда ҳокимиятни ўз қўли-  
га олганида кўп кишилар, ҳатто соф виждонли кишилар ҳам  
ишчилар синфининг мамлакатни бошқара олишига ва эконо-  
мика, фан ва техника тараққиётининг эришилган даражасини  
лоақал сақлаб қола олишига шубҳа билан қараган эдилар.

Эндilikда эса ишчилар синфи, совет колхозчи деҳқон-  
лари, совет зиёлилари, бутун совет халқи фан ва техниканинг  
мислсиз ғалабасини бутун дунёга намоийш қилмоқдалар.  
Бизнинг мамлакатимиз дунёдаги бошқа ҳамма давлатлардан  
ўзиб кетди ва космосга биринчи бўлиб йўл солди.

Совет Иттифоқи биринчи бўлиб планеталараро баллист-  
тик ракета учирди, биринчи бўлиб Ернинг сунъий йўлдошини  
парвоз қилдирди, биринчи бўлиб Ойга космик кема юборди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ  
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ  
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК  
РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Москва, Кремль 1961 йил, 12 апрель.

„Восток“ йўлдош кемасида одамни дунёда биринчи  
марта космосга учуришни муваффақиятли амалга  
оширишда қатнашган барча олимлар, инженерлар,  
техниклар, ишчиларга, барча коллектив ва  
ташкилотларга, биринчи совет космонавти  
ўртоқ Юрий Алексеевич Гагаринга

Қадрдон ўртоқлар!

Ватандош дўстлар!

Мамлакатимизнинг халқлари тўқилантирувчи тодиёна воқеани  
бошдан кечирмоқдалар. Бизнинг Ватанимиз — Совет Социалистик Рес-  
публикалари Иттифоқи 1961 йил 12 апрелда «Восток» йўлдош кемаси-  
да одамнинг космик фазога учуришни инсоният тарихида биринчи бўлиб  
муваффақиятли суратла амалга оширди.

Совет кишисининг космосга учури халқимиз ижодий генийининг  
жуда катта муваффақияти, коммунизм қураётган совет кишиларининг  
эркин ва илҳомли меҳнати самарасидир. Утмишда рус ва жаҳон фан-  
и ҳамда техникасининг атоқли намунадалари оруз қилган, халқимиз  
нинг генерал фарзанди Константин Эдуардович Циолковский ўз ҳаётиин  
бағишлаб нарсаси халқимиз қўлида жонли воқеликка айланди. Қахрамонона  
кундаларимизнинг амалии иши бўлиб қолди. Бу — совет халқининг жаҳон  
фани ва маданияти хазинасига қўнган жуда буюк ҳиссаюди. Инсоният  
Совет Иттифоқининг ана шу бебаҳо хизматиин миннатдорчилик билан  
тигла олади. Совет кишисининг космосга қахрамонона учури билан жа-  
ҳон тарихида янги давр бошланди. Инсониятнинг асрлар бўйи оруз қи-  
либ келган тилаги рўйиба чиқди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР  
Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети одамнинг космосга  
учуришни дунёда биринчи бўлиб муваффақиятли суратла амалга ошириш-  
да қатнашган барча олимлар, конструкторлар, техниклар, ишчиларни,  
барча коллектив ва ташкилотларни шонли Коммунистик партиямиз, Совет  
ҳукумати номидан, Совет Иттифоқининг барча халқлари номидан ақл ва  
меҳнатини буюк ғалабаси билан қизғин табриқлайдилар.

Қадрдонимиз ўртоқ Юрий Алексеевич Гагарин, Сизни буюк жасо-  
рат билан — космосга биринчи бўлиб парвоз қилишингиз билан самимий  
табриқлаймиз ва қутлаймиз.

Бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ва устози Влади-  
мир Ильич Ленин бошчилигидаги коммунистлар партияси 1917 йил ок-  
тябрда оғил тарихий ижода отлангирган эркин, қобилиятли ва меҳ-

натсевар халқимиз эндilikда янги, социалистик тузумнинг жамият ҳаё-  
тининг барча соҳаларидаги жуда буюк афзалликларини бутун дунёга  
кўрсатиб бермоқда.

Одамнинг космосга учури — кенг авж оддирилган коммунистик  
қурилишининг буюк программасини муваффақиятли амалга ошира бориш  
патажиси, Коммунистик партия ва унинг Никита Сергеевич Хрущев  
бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети ҳамда Совет ҳукуматининг  
фан, техника, маданиятни узлуқсиз ривожлантириш тўғрисида, совет  
халқининг бахт-саодати тўғрисида тинмай қидаётган ғамхўрликлари на-  
тижасидир.

Биринчи совет Ер сунъий йўлдоши дунёда биринчи бўлиб учури-  
лган пайтдан буйи одамнинг космосга муваффақиятли учушигача сал кам  
тўрт йил вақт ўтди.

Совет олимлари, инженерлари, техниклари, ишчилари ўзларининг  
зўр ғайрат билан қилган фидокорона меҳнатлари туфайли фазо сирлари-  
ни билиб олиш учун инсон даҳосига йўл очиб бердилар. Улар ер юзидан  
тинчлик манфаатларини, барча халқларнинг бахт-саодати манфаатлари-  
ни кўзга тутиб шундай қилдилар.

Одамнинг космосга биринчи марта учури бундан буйи тараққий-  
ётган бутун дунёда тинчлик йўлида барча совет кишилари учун янги илҳом  
ва жасорат манбаи бўлиб қолади.

Космосни забт этган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари,  
техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар бўлсин!  
Коммунистик партия раҳбарлигида бутун инсониятнинг порлоқ ке-  
лажиги — коммунизм сари йўл очиб бераётган ижодкор халқимизга,  
ғолиб халқимизга шон-шарафлар бўлсин!

Ишасин совет халқи барча ғалабаларининг буюк илҳомчиси ва  
ташкилотчиси шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Ишасин коммунизм!

КПСС МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИ

СССР ИТТИФОҚИ  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Одамнинг космик фазога  
жаҳонда биринчи марта  
учганлиги тўғрисида

## ТАСС ахбороти

1961 йил 12 апрелда Совет Иттифоқида ичида  
одам бўлган «Восток» космик йўлдош кемаси жаҳон-  
да биринчи марта Ер теварагидаги орбитага чиқа-  
рилди.

«Восток» космик йўлдош кемасининг космонавт-  
учувчиси — Совет Социалистик Республикалари Итти-  
фоқининг граждани учувчи майор Юрий Алексеевич  
ГАГАРИН.

Кўп босқичли космик ракетанинг старт муваф-  
фақиятли ўтди. Йўлдош кема дастлабки космик тез-  
лигини олганидан ва учурувчи ракетанинг сўнгги бос-  
қичидан ажралганидан кейин Ер теварагидаги орби-  
та бўйлаб эркин уча бошлади.

Дастлабки маълумотларга қараганда, йўлдош  
кеманинг Ер теварагида айланиш даври 89,1 минут-  
ни ташкил этади; Ер сатҳидан минимал узоқланиши  
(перигейи) 175 километрга барабар, максимал масо-  
фаси эса (апогейи) 302 километрни ташкил қилади;  
орбита текислигининг экваторга нисбатан оғиш бур-  
чаги 65 градус 4 минутдир.

Космик йўлдош кеманинг оғирлиги космонавт-  
учувчи билан бирга 4725 килограммни ташкил этади,  
учурувчи ракета сўнгги босқичининг вазни бу ҳисобга  
қирмайди.

(Охири иккинчи бетда)

### Ю. А. ГАГАРИН

Тарихда биринчи космонавт-  
учувчи майор Юрий Гагарин бун-  
дан бир ой илгари 27 ёшга тулган  
эди.

У 1934 йил 9 мартда Смоленск  
областининг (Россия Федерацияси)  
Гжатск районида колхозчи оиласи-  
да дунёга келди.

1941 йилда ўрта мактабга ўқиш-  
га кирди, ammo гитлерчиларнинг  
ҳужуми унинг ўқилиш бўлиб  
қўйди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом  
бўлганидан кейин Гагарин оиласи  
Гжатск шаҳрига қўчиб келди.  
Юрий ўша ерда ўрта мактабда  
ўқини давом эттирди. 1951 йилда  
у Москва яқинидаги Люберци шаҳ-  
рида формовкачи-куювчи ихтисоси  
бўйича ҳунар мактабини аъло баҳо  
билан тамомлади ва айни вақтда  
ишчи-ёшлар мактабини битириб  
чиқди.

Шундан кейин Юрий Гагарин  
Волга бўйидаги Саратов шаҳрида  
индустриал техникумда ўқиди.  
1955 йилда у техникумни аъло ба-  
ҳо билан тамомлади.

Гагарин техникумда ўқиб юрган  
пайтда авиацияга биринчи қадам  
қўйди. У Саратов аэроклубида  
ўқиди. 1955 йилда аэроклуб кўрс-  
атчи тамомлагандан кейин Орен-  
бург шаҳридаги авиация мактаби-  
да ўқиди. Гагарин бу мактабни би-  
ринчи раъздан бўйича тамомлаб  
чиққандан кейин 1957 йилдан бе-  
ри совет авиациясининг учувчиси  
бўлиб хизмат қилмоқда.

Утган йил Юрий Гагарин Совет  
Иттифоқи Коммунистик партияси  
сафига кирди.

У ўйланган. Рафикаси Валенти-  
на Гагарина 28 ёшда бўлиб, Орен-  
бургдаги медицина билим юртини  
тамомлаган. Уларнинг қизи Елена  
икки яшар. Иккинчи қизи Гали  
бир ойлик.

Гагариннинг 59 йашар отаси ду-  
радгор бўлиб ишлайди. Унинг она-  
си Анна (1903 йилда туғилган) уй-  
рўзгор ишлари билан шуғуллана-  
ди. (ТАСС).

# СОВЕТ КИШИСИНИНГ КОСМОСГА УЧИШИ ХАЛҚИМИЗ ИЖОДИЙ ГЕНИЙСИНИНГ ЖУДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТИДИР

## ТАСС ахбороти

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Космонавт ўртоқ ГАГАРИН билан икки томонлама радио алоқа ўрнатилди ва бу алоқа давом эттирилмоқда. Кемадаги қисқа тўлқинли передатчикларнинг частоталари 9,019 мегагерц ва 20,006 мегагерцни, ультрақисқа тўлқинларнинг диапазонида эса, 143, 625 мегагерцни ташкил этади. Радио-телеметрик ва телевидение системалари ёрдами билан космонавтнинг учиб вақтидаги аҳоли кузатиб турилмоқда.

Космонавт ўртоқ ГАГАРИН «Восток» йўлдош-кемаси орбитага чиқарилаётганда ўзини дуруст ҳис қилди ва ҳозирги вақтда ўзини яхши сезмоқда. Йўлдош-кема кабинасида ҳаёт учун зарур шароитларни таъминлайдиган системалар нормал ишлаб турибди.

Ичида космонавт учувчи ўртоқ ГАГАРИН бўлган «Восток» йўлдош-кемасининг орбитада учиб давом этмоқда.

МОСКВА, 12 апрель. (ТАСС). «Восток» космик кема бортидан олинган маълумотларга кўра, Москва вақти билан соат 9-52 минутда космонавт учувчи майор ГАГАРИН Жанубий Америка устида учиб бораётганда: «Учиш нормал давом этмоқда, ўзимни яхши ҳис қилмоқдаман», деб хабар берган.

МОСКВА, 12 апрель. (ТАСС). Москва вақти билан соат 10-15 минутда космонавт учувчи майор ГАГАРИН Африка устидан учиб ўтатириб, «Восток» космик кема бортидан қуйидагиларни хабар қилди: «Учиш нормал давом этмоқда, вазнсизлик ҳолатини яхши кечирмоқдаман».

МОСКВА, 12 апрель. (ТАСС). Москва вақти билан соат 10-25 минутда белгиланган программага мувофиқ Ер шарини учиб айланиб чиққандан кейин, тормозни ҳаракатлантирадиган установка ишга туширилди ва ичида космонавт учувчи майор ГАГАРИН бўлган космик йўлдош-кема Совет Иттифоқининг белгиланган районига қўниш учун орбитадан туша бошлади.

Белгиланган тадқиқотлар муваффақиятли ўтказилгандан ва учиб программаси бажарилгандан кейин «Восток» совет кемаси 1961 йил 12 апрелда Москва вақти билан соат 10-55 минутда Совет Иттифоқининг мўлжалланган районига эсон-омон қўнди.

Космонавт-учувчи майор ГАГАРИН қуйидагиларни хабар қилди: «ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТГА ВА ШАХСАН НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУЩЕВГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛИШИНГИЗИНИ СУРАЙМАНКИ, ЕРГА ҚЎНИШ НОРМАЛ ЎТДИ, ЎЗИМИН ЯХШИ ҲИС ҚИЛМОҚДАМАН, ШИКАСТЛАНМАДИМ ВА ЛАТ ЕМАДИМ».

Одамнинг космик фазога учганлиги инсониятнинг космосни забт этиши учун жуда катта истиқболлар очиб беради.

## Қалбимиз қувончга тўлиб-тошди

Қалбимиз қувончга тўлиб тошса, тилинг сўзлашга келмай қолади, деган гап рост экан. Радиодан ватандошимиз, бахтиёрларнинг энг бахтлиси, жасурларнинг энг жасури Юрий Гагариннинг бутун жаҳонни қўйиб қолдириб, космосга кўтаришгани ва сар-саломат яна она туپроққа қўнганилиги ҳақидаги ҳаёжонли хабарни эшитиб, бир-биримизнинг қўлимизни сўзсиз қаттиқ қисдик, бу камлик қилди, бир-биримизни қучоқлаб кетдик. Худди шу хушхабар тарқалаётган пайтда ҳар бир совет кишининг бизга ўхшаб бир-бирини табриклаганига, қучоқлашганига ҳеч шубҳа қилмаймиз.

Космосга йўл очилди! Бу йўлни ўз бахт-содати, ўз кўли билан яратган ва яратётган, мақсади фақат тинчлик, дўстлик, қардошлик бўлган совет кишиси очди. Умрини, юрагини куч-қайратини жопажон Ватанимиз куч-қудратини, шон-шувратини оширишга бағишлаган олимларимизнинг, космос пионери Юрий Гагариннинг ватандоши бўлганлигига билан чексиз фахрланамиз.

Яшасин ва яшасин севикли Ватанимиз!

А. ШЕРМАТОВ,

Илмий ишдаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

Б. МИРЗААХМЕДОВ, институт аспиранти.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 13 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

## Юрий Гагарин ВЛКСМ Марказий Комитетининг Ҳурмат дафтарига ёзилди

МОСКВА, 12 апрель. (ТАСС).

Инсоният тарихида мисли кўрилмаган, совет халқини, совет фани ва техникасини абалли шон-шуврат билан қоплаган. Ватан манфаатларига фидокорона хизмат қилишнинг аjoyиб намунаси бўлган қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ВЛКСМ Марказий Комитети

ленинчи комсомола тарбиялаб етиштирган, ер юзидаги кишиларга космос йўлини очиб берган жаҳонда биринчи космонавт учувчи ўртоқ Юрий Алексеевич Гагаринни ВЛКСМ Марказий Комитетининг Ҳурмат дафтарига ёзди.



П. ШЕСТАКОВ ишлаган расм.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ КОСМОСГА ҚАҲРАМОНОНА УЧИШИ БИЛАН ЖАҲОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ. ИНСОНИАТНИНГ АСРЛАР БУЙИ ОРЗУ ҚИЛИБ КЕЛГАН ТИЛАГИ РҮЕБГА ЧИҚДИ.



## Шоирнинг қаҳрамонга совғаси

Биринчи кишининг космосга парвоз қилишидек буюк воқеани шарҳлаб бериш ҳақидаги илтимосимизга жавобан шоир Гафур Гулом ўйла-ниб қолди, сўнгга табассум қилиб, бундай деди:

Совет маърифатининг азамат кудратига,  
Хамиша офарин деб келди бутун жаҳон.  
Қўрқув билмас баҳодир Гагарин ҳиммати,  
Витта зинаподек хизмат қилур осмон.

Инсоният умрида кўкка боқиб ҳар маҳал  
Юлдузлар сирин билмоқ унга ҳадим орау.  
Ниҳоят бу жумбоқни совет фени қилди ҳал  
Исон деган ном учун етук ақл ана шу.

Ой, Зухра оралиги совет кишини учун  
Тез кунда таниш қатнов қарвон йўли бўлади.  
Кўрсатиб илму-фанининг оламлараро кучин  
Бу бизнинг коммунизм замон йўли бўлади.

... Яна нима дейиш мумкин? Га-  
зетхонларга айтилсин, космосни забт  
этувчи совет кишининг образи  
мени чуқур тўқинлангирди. Мен

— Рухсат этсангиз, мен шоирга  
хос тилда гапираман...

Шу тариқа шеър пайдо бўлди.  
Бу шеърини Гафур Гулом «Инсоният  
тарихининг биринчи космонавтига»  
деб атади.

Юрий Гагаринга ва унинг дўстлари-  
га аталган дoston тақдими эта олсам  
бахтиёр бўлман. (ЎзТАГ).

## Коммунизмнинг улуғворли- гидан далолат берувчи зафар

ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР СОВЕТ КОСМОНАВТИНИ  
ОЛҚИШЛАМОҚДАЛАР

Совет космонавти Юрий Гага-  
рин инсоният тарихида биринчи  
мarta космосга йўл очган аjoyиб  
бир пайтда касабаси союз ҳодимла-  
рининг Тошкентда ўтказилган  
халқаро семинарида: «Меҳнаткаш-  
ларнинг билим ва маданиятдан  
баҳраманд бўлиши» проблемаси-  
ни муҳомада қилиш давом этмоқда  
эди.

Румин олимни Ион Теорану бош-  
лаб берган қизгин суҳбат вақти-  
да Осиё, Африка, Латин Америка-  
си Европа мамлакатлари касабаси  
союзи ташкилотларининг вакиллари  
меҳнат аҳли жаҳон маданиятининг  
қонунини ворис эканлигини, чинанам  
халқ ҳокимияти шароитидаги  
илм ва фани раванг топириш,  
бутун жаҳоннинг таракқиётини  
таъминлаш мумкин эканлигини тўғ-  
рисидаги фикрларини яқдидил  
билан изҳор қилдилар. Семинар  
қатнашчилари буржуазия мадания-  
тини яқсон қилаётганлиги тўғри-  
сида, инсоннинг ақл ва туйғуларини  
поймол этётганлиги, уруш  
ваҳимасини авж олдириш, миллий  
адovatни кучайтириш учун мада-  
ният ютуқларидан ўз мақсадларини  
йўлида фойдаланётганлиги тўғри-  
сида тангай таъкидлар.

Москва радиосининг овози муно-  
зарига яқин ясагандай бўлиб  
совет фанининг янги порлоқ та-  
наасидан дарах берди.

— Совет кишини космосда!  
Яҳон маданияти тарихида янги  
саҳифа очилди!

Чет эл меҳмонлари ўринларидан  
туриб совет космонавтининг мар-  
донавор учинида хурсанд эканли-  
кларини тўлдурос қарсақлар бил-  
ан изҳор қилдилар.

Италия касабаси союзларининг ва-  
кили миланлик Ренцо Баричелли  
бундай деди:

— Мен шундай пайт келишини  
кутар эдим ва ҳозирги шодиёна  
кунда Совет юртида, Юрий Гага-  
рин ватанида бўлишдан беҳад  
хурсандман. Космосни забт этган  
совет кишини шон-шарафлар!

Хиндистон касабаси союзларининг  
вакили, Бомбай тўқимачилари ка-  
сабаси союзининг секретари И. Ча-  
ван қуйидагиларни айтди:

— Совет космик кемаси «Вос-  
ток»нинг одам билан парвоз қили-  
ши илҳомбахш воқеадир. Бу ке-  
манинг учини тинчлик ва тарақ-  
қётнинг юксак голларига хизмат  
қилаётган совет фанининг буюк  
инсонпарварлигини яна бир марта  
яққол кўрсатади.

Гуркела шаҳридаги пўлат эри-  
тувчилар касабаси союзининг бош  
секретари Э. Понда ўз ватандоши-

нинг сўзларига илова қилиб қуйи-  
дагиларни айтди.

— Бутун рўй берган воқеа ҳо-  
кимият меҳнаткашлар қўлида бўл-  
ган мамлакатда фан ва маданият-  
нинг таътилади қилганлигини ёрқин  
исбот этади.

Хиндистон делегациясининг учин-  
чи аъзоси, Мерид коллежидининг  
профессори Х. Пандт айтдики,  
мен ҳозирги пайтда совет кос-  
монавти Юрий Гагариннинг қў-  
лини қисиб қўришсини истар  
эдим.

Гана касабаси союзлари конгрес-  
сининг вакили Табриель Атисе  
бу сўз олади. У ўз туйғуларини  
изҳор қилиб бундай деди:

— Совет кишилари бутун,  
— деб хитоб қилди Африка деле-  
гати, — социалистик тузумнинг  
афзалликларини исбот этувчи янги  
аjoyиб далилни бизга кўрсат-  
дилар. Совет фани бутун инсо-  
ниятнинг манфаатларига хизмат  
қилаётганлигига аминман.

Бирма касабаси союзлари конгрес-  
сининг секретари Дан Нге ана  
шу фикрга таъомил қўшди.

— Юрий Гагариннинг парвози,  
— дейди у, — ер юзида тинч-  
лиқни қадрлаётган барча киши-  
лар учун хушхабардир. Бу хушха-  
бар напигалим малайларидан  
баъзиларнинг ҳафа қилиши ҳам  
мумкин. Келажак социализмининг  
дир! Шунда энг илгор фан бўл-  
миш совет фанини чин қадимдан  
табриқлаймиз.

Куба меҳнат конфедерацияси-  
нинг вакили Альфредо Раннано  
Альварес сўз олади:

— Бутун Куба халқи «Восток»  
космик кемасининг одам билан му-  
ваффақиятли сурада парвоз қил-  
ганлиги тўғрисида совет кишилари  
билан бирга хурсанддир, деб айт-  
сам хато қилмаган бўламан. Биз,  
совет дўстларимизни ана шу буюк  
ғалаба билан табриқлаймиз.

Мексика илми ва деҳқонлари  
бирлашган касабаси союзининг ва-  
кили Расель Фернандес айтдики,  
совет кишилари жаҳон мада-  
ниятини ривожлантириш соҳасида  
олга қараб жуда катта қадам қўй-  
дилар. Ер юзидаги миллионларча  
оддий кишиларнинг умиди ва иф-  
тихори бўлган совет кишиларига  
шон-шарафлар!

Чет эл меҳмонлари репродук-  
торлар ёнида туриб биринчи совет  
космонавтининг учини тўғрисида-  
ги хабарларни авж билан эшитди-  
лар. Радио Юрий Гагариннинг  
омон-эсон ерга қўнганилиги тўғри-  
сидаги хушхабарни эшиттиришда  
тўрт қитъа халқларининг вакил-  
лари бир-бирларининг қўлларини  
қисиб қўришдилар, дунёдаги бар-  
ча халқларга муносиб намуна  
кўрсатилган ва инсон тўла та-  
тана қиладиган янги асра далай  
йўл очиб бераётган улуғ Совет  
Иттифоқи шарафига таъриқ хитоб-  
лари айтдилар.

Г. ЛИПШИЦ,  
(ЎзТАГ мухбири).

# КОСМОСНИ ЗАБТ ЭТГАН СОВЕТ ОЛИМЛАРИ, КОНСТРУКТОРЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ВА ИШЧИЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

Шаҳардаги 71-ўрта мактабда бутун ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳовлига тўпланишди. Радио тинглашнинг устидан чиндик, ҳаммамий фикри-зики радиого қаради. Бу мисли кўрилмаган қаҳрамонлик тўғрисидаги хушхабарни радио тингловчиларга ўқиб эшитириш шарафига муассар бўлган дикторнинг салобатли овози тантанали оҳангда янграб эштилди.

Диктор, хушхабарни ўқиб татомлагач, мактабнинг пионер ва комсомоллари Москвага, биринчи совет космонавти-ленин комсомолнинг баҳодир Юрий Алексеевич Гагаринга табрик телеграммалари ёзишга киришиб кетди:

«Москва. Биринчи совет космонавти Гагаринга!

Бортида совет кишиси бўлган йўлдош-кеманнинг космосга учирилгани тўғрисидаги хабар қалбимизни қувончларга тўлдирди. Қимматли ўртоқ Гагарин! Сизни космосга биринчи бўлиб ўтганингиз билан табриклаймиз».

А. Абалян фотоси.

## Улкан байрам бўлгуси

Фиръавн осмонга ўтмоқчи бўлиб, палаҳмон ясаганини билдирди. Уша замон, яъни бундан неча минг йиллар олдин Фиръавн осмонга учди, бир фарсаҳдан қайтиб тушди ва пачоқ бўлди.

Ўртоқ Гагарин! Нечоглики бахтиёр ботириш, ўзингиз тушунасизмики, Сиз одамизод юз йиллаб ҳаёл қилган армонга, яъни фазога учдингиз. Сиз Сомон йўли бўсағасида парвоз қилиб, юлдузларга, қуёшларга қудратли Совет юртидан салом топириб қайдингиз.

Эртанги кун нақалар ёрқин, нақалар чексиз ўқилар совет кишининг кутмоқда.

Чексиз ва сирли фазоларга илк элчимиз Ўртоқ Гагарин, Сизга чин юракдан «баҳадир»!

Сиз ерга қайтиб қўнган кун дунё тарихида, одамизод тарихида улкан байрам бўлгуси!

МИРТЕМИР.

## Ўғлимнинг исмини Юрий қўйдим

Мени «тез ёрдам» машинаси-дан туғруқхонага олиб киришганда радио орқали «Инсон космосга учди» деган шодона хабарни эшитиб қолдим. Эшитди-у, қувондим, ҳаяжонимнинг эридан тўлган дардини ҳам тинсанда қилмай қўйдим. Дилимда яна «яқин ботир, яқин азамат шундай узоқ масофага учинишга қўрқмай журъат элчилар» дердим. Шунда агар ўғил қўсам, унга албатта ана шу қаҳрамоннинг исмини қўяман деган фикр қалбимни эгаллаб олди. Билсам дунёда биринчи космонавт Ватанимнинг муносиб фарзанди, доворақ Юрий Алексеевич Гагарин экан. Ниятимга эдим, орадан 2—3 соат ҳамаси вақт ўтиши билан ер юзиде яна бир фарзанд туғилди. Бу менинг ўғлим Юрий эди. Уни оппоқ чойшабга ўраб, менга кўрсатгани келтиришди:

— Биласизми, бу менинг учинчи фарзандим. Буни қарангки, ўғлим туғилган кун дунёда биринчи бўлиб бизнинг Иттифоқимизда космосга инсон учирилди. Менинг ана шу кичкинагина ўғилчам ҳам Юрий Алексеевич-дек доворақ бўлиб ўссин деб, унинг исмини Юрий қўйдим, — дедим.

Ёнгинамада мен билан бир палатада ётган Мария Пауль, Татьяна Дроздовалар ҳам ўғил қўришди. Улар бир-бири билан «Менинг ўғлим ҳам Юрийдек бўлсин» дейишиб, фарзандларига шу шарафли номни қўйишди. Биз оналар учун ана шундай ҳақиқий қаҳрамон фарзандларини волега етказишдан ҳам катта бахт бўри ўзи.

Мунаввар САТТОРОВА.  
Тошкентдаги 3-туғруқхона.



## Совет баҳодир қўшга юксал!

Бобом эртақларин тинглаган у дам, Ақлим бовар бермай, тилим бўлиб юл. Ҳаёл оғушига қўйдим қадам, Фазолар қўйишга учарди ҳаёл.

Инсон тафаккури олам қадар кенг, Осмон қувар эди аммо инсонни, Бизнинг қучоғимиз фазоларга тенг, Инсон қучаётир энди осмонни!

Намоиш қилолдинг инсон қудратин, Хушхабар тарқатдинг бутун дунёга. Эй ўртоқ Гагарин — юртим шўҳрати, Сен билан юксалди чексиз фазога.

Сен бу кун осмонни кезиб тушган чоғ, Фазо оламин қувонган маҳал, Сени олқилайман дилим бўлиб чоғ: Совет баҳодир, қўшга юксал!

САИЕР.

## XX аср мўъжизаси

12 апрель 1961 йил жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилади. Шу кунни давримизнинг, XX асрнинг ажойиб мўъжизаси саноқ бўлди, бутун кишилик асрлар давомида амалга ошириш учун интилиб келган воқеа юз берди. Совет киши — тинчликнинг улғу посбони бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг граждани, учувчи майор Юрий Алексеевич Гагарин кишилик тарихида биринчи бўлиб «Восток» космик кемасида кинотта учиб чиқди. Ҳа, халқнинг жондан севувчи, мамлакатимизнинг шон-шўҳрати учун ҳар қандай қийин синовларга тайёр турган Юрий Алексеевич бу қаҳрамонона иши билан бутун жаҳонни қўйил қолдирди, совет кишиларининг қалбларини севинчларга тўлдирди.

Ишчилар, инженер ва техниклар, олимларимиз идроки, ақли ва заковати, меҳр ва муҳаббати билан яратилган космик кема яна бир катта синовдан ўтди. У ўз ичидеги одам билан омон-эсон Ерга қўнди. Шундай қилиб, Ёрдам космосга ўмон йўл очилди.

КНСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг ана шу тарихий воқеа муносабати билан бутун жаҳон халқларига қарата қабул қилган Мурожаатларида инсоннинг космосга ўнгиш тинчлик манфаатларига, жаҳонда тинчликни сақлаш ва уни янада мустаҳкамлашга хизмат қилсин дейилади. Биз ана шу фикрни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ҳа, биз тинчликни оштаймиз, етти йилликнинг улғувчи вазибаларини тўла-тўғис амалга ошириш, мамлакатимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, шон-шўҳратини қўлларга кўтариш, халқимизнинг фаровонлигини оширишимиз учун тинчлик керак.

Барча меҳнаткашлар қатори заводимиз металлургияри ҳам совет кишининг кинотта учиб чиқгани ва омон-эсон ерга қўнгани ҳақидаги хушхабардан беҳад қувонмоқдалар. Меҳнат кўтаринчилиги янада авж олди. Ҳар бир прокатчи, пўлат эритувчи ана шу хушхабарга жавобан зўр эҳтирос билан ишламоқда. Бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётган коллективимиз аъзолари партия XXII съездини катта тортиқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар.

Ҳафиз ГАНИЕВ.

Бекободаги В. И. Ленин номи металлургия заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## Биз сен билан фахрланамиз!

Ассалом, азиз ватандошимиз — кишилик тарихида биринчи бўлиб чексиз фазоларни қўнган ва тенгсиз юлдузлар ўлкасини забт этган инсон — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи граждани Юрий Алексеевич Гагарин!

Сен бу кутлуг парвозинг билан тарихда биринчи бўлиб янги давр очдинг. Биз сенинг номинг билан чексиз фахрланамиз, азиз ватандошимиз!

Бутун дунёни ҳалқонга солган сенинг бу тенгсиз жасоратинг совет кишиларининг юракларини ҳалқис қувонч ва гурур туйғуларини билан тўлдирди.

Сенинг фазога қўнган бу мардонавор илк қадаминг — қудратли совет фани ва техникасининг оламшумул ютуғи ҳамда инсон ақл-иродаси ва заковатининг энг буюк машаъли сифатида тарихда бутунлай янги давр яратди.

Сенинг чексиз фазоларини забт этиб, эсон-омон Ерга қайтиб тушишинг — улғувчи гигант қадамлар билан коммунизм қураётган совет кишилари эришган ютуқларини бутун дунё олдиде яна бир марта намоиш қилди.

Ҳа, биз сен билан фахрланамиз, азиз ватандошимиз!

Ғ. ШОДИ, С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

А. ИСРОИЛОВ.

Ўзбекистон Давлат бадний адабиёт нашриёти ходимлари.

## Космосга йўл очилди

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Тошкент астрономия обсерваториясининг директори профессор Владимир Петрович Шчедров билан биз ўз ич кабинетида чукч ҳалқонга чўнган ҳолда учрадик. Астроном олим совет фани эришган бу мисли кўрилмаган галаба тўғрисида тўқиниллаб сўзларди: — Совет киши космосда... Қалбларини нақадар қувончга тўлдирувчи хушхабар бу. Совет Иттифоқи телерадио агентлигининг бу ажойиб янгилик тўғрисидаги хабари жаҳондаги бутун прогрессив кишилар қалбини зўр ҳалқон билан урушга жалбур қилди. Биз совет кишилари улғу Совет Ватанимиз, доно Коммунистик партиямиз, кинфидетик олимларимиз, қаҳрамон ишчилар синфимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Одамнинг космосга учирилиши билан космик фазонинг ағаллаш проблемаси олдиде қўндайлаб бўлиб турган катта тўсиқ енгиб ўтиди. Совет фани ҳеч қачон инсон қадамин етмаган космосга биринчи космонавтни юбориб, атрофини ураб олган кинотини билан соҳасида катта революцион сараш қилди.

— Совет кишиси Юрий Алексеевич Гагариннинг энг узоқ осмон жисмларига олиб борувчи йўлнинг биринчи разведкачиси бўлганини социалистик тузумимизнинг афзаллигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далиллар. Космосга йўл очиб биринчи бўлиб совет кишини муассар бўлгани ва бу шарафли нинда АҚШни орқада қолдириб кетганимиз билан чексиз фахрланамиз.

А. Абалян фотоси.

## БУ ЗАФАР—ДЎСТЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залиде «Халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм — коммунизм қуриш учун курашда улғу куч» деган темада ўтказилган республикаларо кенгаш-семинар давом этаётган эди.

Ўрта Осиё республикалари ва Ҳозирги СССР вакиллари халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қон-қардошлик қанчалар чуқур илҳиз отганлиги, ленинча миллий сиёсатнинг улғу ҳаётбахш кучи ва самаралари тўғрисида тўқиниллаб гапирётган, фикр олишяётган эдилар... Игиллиш президиумида ўтирган Сибсий ва илмий билимлар тарғувчи республика жамияти правлениси раисининг ўринбосари Қ. Фозилхўнаевни таъридан қақриб қолди. У орадан бир неча минут ўтар-ўтмас қайтиб кирди ва ҳажонини яширолмади, президиумдагиларга ниманидир шивирляди. Унга сўз берилди.

— Ўртоқлар, ажойиб хушхабар! — деди ўртоқ Фозилхўнаев. — Бугун эрталаб «Восток» космик кемасида совет кишиси, космонавт учувчи майор Юрий Алексеевич Гагарин Ер атрофини айланиб чиниш учун учирилди. Бунинг ҳозир Москва радиоси хабар қилибди.

Залда гулдурос қарсан кўтарилди. Ҳаммининг севинчи ичига сиймайди... Кенгаш-семинар қатнашчилари шу заҳоти биринчи космонавт Гагаринга табрик телеграммалари йўлладилар.

Кенгаш-семинар иши давом этирилди. Навбатдаги танаффусга чиқилганда космонавт Гагарин мўлкалланган тадқиқот ишларини муваффақиятли равишда бажарганидан кейин Ерга, ўз Ватани тупроғига соф-саломат қайтиб тушганини маълум бўлди. Бу хушхабар қувонч устига қувонч қўшди.

Танаффус пайтида «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири

кенгаш-семинар қатнашчиларидан бир нечасига мурожаат қилиб, космик фазога совет кишининг учирилганлиги ва муваффақиятли қайтиб тушгани ҳақида ўз фикрларини айтишни сўради. Улар қўйидагиларни айтдилар:

— Биз, халқлар ўртасида дўстлик ва интернационализм — коммунизм қуриш учун курашда катта куч эканлигини муҳоама қилаётган пайтимизда бу ажойиб хушхабарни эшитдик. Совет кишининг Ер атрофини космик кемала айланиб, яна қайтиб тушганилиги инсоният тарихида, аиллий фикр, фан ва техника тарихида тарихида мислсиз катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Биз, коммунистлар ғояларини, совет фани ва техникасининг ютуқларини тартиб атувчи пропагандистлар бу тарихий воқеанинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтирамиз.

Е. И. АЛАБУШЕВА, Сибсий ва илмий билимлар тарғувчи Қирғизистон республика жамиятининг референти.

М. С. ЖУНУСОВ, фалсафа фанлари доктори.

— Қаҳрамон Гагариннинг учини Ватанимиз фани ва техникасининг бошқа энг тараққий этган мамлакатлардагига нисбатан ҳам жуда илгариллаб кетганлигини дунё меҳнаткашлари олдила қўл намоиш қилди. Бу улғу зафар халқларимиз, олимларимиз ўртасидаги дўстлик маҳсулидир. Ватандошларимизнинг таърифта сиймайди даражадаги бундай улкан ғалабаси биз, олимларни чексиз қувонтиради ва кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

С. Ш. ТАБАРОВ, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси.

— Кунларимиз хушхабарлар, янгида-янги ғалабалар билан тўла ўтаётир. Бугун инки совет ичиде инкида севинчи хабар эшитдик. Майор Гагарин космик кемасида учипти, деган хабарни ҳазми қилиб улғурмасимизданоқ у Ер атрофини айланиб, қайтиб тушди, деди машҳур диктор Левитан.

Бугун эрталаб уйдан телеграмма олган эдим, хотиним ўғил туғилди, ўғлим ҳам Юрий Алексеевич Гагарин сингари масур ва бахтли бўлсин деган тилдакда уйга: қаҳароннинг исмини Юрий қўйинлар, деб телеграмма жўнатдим.

С. КАМОЛОВ, тарих фанлари кандидати, Қорақалпоғистон АССР давлат педагогика институтининг доценти.

## Гагарин номли Маданият саройи

ШҒРАЛИСОЙ ҚИШЛОҒИ, 12 апрель. (ЎзТАГ). — Қалбимиз биринчи космик кемани яратган ва одамлар ўртасида биринчи бўлиб космосга парвоз қилган қаҳрамонни тарбиялаган Ватанимиз, Коммунистик партиямиз учун, совет халқи учун ифтихор туйғуларини билан тўлиб — тошди, — деди довгдор колхоз етакчиси, Янгийўл районидаги Н. С. Хрущев номи колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов. — Биз маслаҳатлашиб, ҳозирги кунда колхозимизда энг яхши, энг муҳим нарсани биринчи космонавт — Юрий Алексеевич Гагарин номига қўйиш керак, деган қарорга келдик.

Ҳақиқатда қўйилиб бўлаётган янги колхоз маданият ўчоғини таллайдилар. Эндиликда бу муассаса Юрий Гагарин номи Маданият саройи деб аталади.

Биз яратган нарсалардан бири «Восток» совет кемасида космосга биринчи сафар қилган кишининг номини абадилаштирсин.

## Орзу рўёбга чиқди

... 1961 йил 12 апрель! Бу кунни авлодлар эсда сақласин, йўл қўнда Совет Иттифоқи йлгирманчи аср мўъжизасини — «Восток» космик кемасини космосга учирди. Кемани биринчи космик учувчи, халқимизнинг ажойиб фарзанди Юрий Гагарин бошқарди!

Бу воқеа Ўзбекистон пойтахтидаги бутун аҳолининг диққат марказида турбди. Улар совет кишининг қаҳрамонлигига, жаҳонда энг илғор совет фани ва техникасининг улғувчи ютуғига қўйил қолди, ўзаро қизғин фикр олишмоқдалар.

— Совет Иттифоқи граждани космосда. Инсониятнинг орзуси рўёбга чиқди, — деди профессор В. Юрков. — Совет фани ва техникаси яратган мўъжиза ҳақида ҳозирги кунда ер юзидеги ҳамма кишилар ҳурмат билан гапирмоқдалар. Бу воқеани ҳаммамиз кутган эдик, лекин одамнинг космосга учини шунчалки тез амалга оширилди, деб ўйламан эдик.

Қадарли дўстимиз Юрий Гагарин, сента шон-шарафлар! Биз сен билан фахрланамиз, шундай алоқиб фарзандларини тарбиялаган жондон Коммунистик партия билан фахрланамиз!

Космосга йўл очилди. Биз шон-намизни, у телида ҳамма сирларини очиб беради.



Пойтахтимиз меҳнаткашлари дунё тарихида биринчи бўлиб замондошимиз баҳодир Совет ақли равишда парвоз қилгани ва соф-саломат Ерга қайтиб хушхабарни чексиз қувонч ва зўр ифтихор билан кутиб олдилар.

В. Баскаков фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»  
3-БЕТ, 13 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

